

Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 19 август • чоршанба • № 82-83 (4368)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

**Кун
хи
мати**

Қаламнинг
абдий излари
бўлмаганда,
халқларнинг
хабарларини қайдан
билар эдик?!
Абу Райҳон Беруний



Президент «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни (янги таҳрирда) имзолади.

Ўзбекистоннинг Озарбайжон Республикасидаги янги тайинланган Фавқулодда ва мухтор элчиси **Баҳром Ашрафонов** 18 август куни мамлакат президенти **Илҳом Алиевга ишонч ёрлиғини** топширди.



Марказий Осиё мамлакатлари Ташқи ишлар вазирликлари таркибий бўлинмалари раҳбарлари даражасида навбатдаги **экспертлар учрашуви** видеоконференция шаклида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида видеоконференцалоқа шаклида **навбатдаги консуллик маслаҳатлашуви** бўлиб ўтди.

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси



Шу кунларда ишчи-ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантирган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Курултойига қизғин тайёргарлик кетяпти.

Айтиш жоизки, тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кон-

ференциялари уюшқоқлик билан онлайн тарзда ташкил этилди. Бошланғич ташкилотларга фаол ва изланувчан етакчилар сайланди.

Айни пайтда эса қизғин руҳда ўтаётган ҳудудий бирлашмалар ва Республика кенгашлари конференцияларида касба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий

манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилаётган конференцияларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари устувор бўлгани алоҳида таъкидланяпти.

2,-3,-4,-5 ▶

Саҳифаларда...

КОРОНАВИРУС ДУНЁДА: ПАНДЕМИЯ САБОҚЛАРИ ВА «ГОЛЛУВУДЧА» ИШОНЧ...



6

«Үн йиллик орзуим ушалди»



7

Ибратли устоз-шоғирдлик



8

Келгуси сонларда ўқинг...

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Мулоҳаза

Беҳбудий бизнеси кечирармикан?

Ҳаётини тажрибамда давлатнинг икки хил тизимида кўп ўзгаришлар, яхшисига ҳам, ёмонига ҳам гувоҳ бўлдим. Вазиятдан чиқиш мақсадида ишчилик тадбирлар кўрилгани, турли экспериментлар ўтказилгани ҳам бор гап.

Фақат халқ билан маслаҳатлашиб, етук мутахассислар, ҳатто халқаро экспертлар хулосасини олиб яратилган Ҳаракатлар стратегиясида мен чинакам халқларвар концепция ва реал амалиётни кўрдим. Бу стратегиянинг босқичма-босқич, узлуксиз ва муштарак амалга ошиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотларнинг изчил боришини таъминляпти. Дарвоқе, бунини билиш қийин эмас. Истаган соҳа ходими қўлига қалам олиб, кейинги уч-тўрт йил ичида ўз фаолиятига халақит берган ва олиб ташланган (бекор қилинган) бюрократик тўсиқларни санаб чиқишининг ўзи кифоя. Иккинчи рўйхатга барча касб эгалари, хусусан, тадбиркорларга берилган имтиёз, имконият, янгиликларни киритинг. Энди одилона баҳо беринг: сал олдинроқ бундай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини тасаввур қилганмисиз?

6 ▶

<https://t.me/koronavirusinfouz>

Коронавирус ДАВОЛАНИШ КЎРСАТКИЧИ – 88 ФОИЗГА ЕТДИ

Юртимизда 2020 йил 18 август куни коронавирус инфекцияси юқиши билан боғлиқ 591 та янги ҳолат қайд этилиб, жами ҳолатлар сони 36 мингдан ошди. Бугун шунингдек, 643 бемор тузалди, 5 нафар бемор вафот этди.

Ҳозирда касаллик қайд этилган жами бемордан 32 223 нафари соғайиб, даволаниш кўрсаткичи 88 фоизга етди.

Маълумот ўрнида шунини қайд этиш жоизки, айни пайтда мамлакатимиз ҳудудидаги тиббиёт муассасаларида даволанаётган 4052 нафар бемордан 411 нафари оғир, 125 нафари эса ўта оғир аҳволда.



Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани марказида COVID-19 тиббий тақсимот пункти иш бошлади.



Ибн Сино жамоат фонди «Ўзрепорт» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда «Абу Али ибн Сино – Ўзбекистон гурури ва умумжаҳон мероси» мавзусида халқаро илмий-маърифий видеоконференция ташкил этди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан мактабгача таълим ва бошланғич синф ёшидаги болалар учун «Пенсия алифбоси» номли китобча тайёрланди.

«Чирчиқ» полигонида Мудофаа вазирлиги миқёсида Танк биатлони ва жанговар машиналар мусобақаси бошланди.

Термиз шаҳрида «Ягонасан муқаддас Ватан» ва «Энг яхши китобхон ҳарбий оила» кўрик-танловларининг Жаҳонбин-ғарбий махсус ҳарбий округ босқичи бўлиб ўтди.

ЎА хабарлари асосида тайёрланди

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДАМИ?

ЯРИМ АСР КАСАБА УЮШМА ЕТАКЧИЛАРИ САФИДА



Ҳисобот-сайлов

Ислоҳотлар самараси билан аҳамиятли

Жиззах вилояти



Жиззах вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Ҳисобот даврида ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бирлашма кенгашининг юридик бўлими қошида касба уюшма аъзолари ва аҳолининг турли ижтимоий қатламларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган «Юридик клиника» ва «Ишонч телефони» тизимли тарзда фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали нафақат касба уюшмаларига аъзо бўлган ходимлар, балки аҳолининг барча қатламига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда.

Ўтган беш йил давомида меҳнат қонунчилиги, меҳнат ҳуқуқининг бузилишига оид ёзма, оғзаки, электрон ва «Ишонч телефони» орқали тушган 1337 та мурожаат ўрганиб чиқилди ва аксарияти ўз ечилими топти.

Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, моддий ёрдам, ижтимоий муносабатлар ва бошқа йўналишлардаги мурожаатлари эътиборга олиниб, ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланди. Суд қарорига кўра ишга тикланган 2451 нафар фуқарога 1 миллиард 329 миллион 288 минг сўм миқдоридagi иш ҳақи ундириб берилди.

2017 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ 71 нафар эҳтиёжманд фуқаро уй-жой билан таъминланди. 444 кишининг уй-жойи таъмирланди, эътиборга муҳтож 2800 нафар юртдошимизга маиший техникалар олиб берилди. Шунинг баробарида 150 нафар касалманд фуқарога дори-дармон воситалари етказилди. Коммунал тўловдан қарздорлиги тўлаб берилган ва моддий ёрдам кўрсатилган кишилар ҳам оз эмас. Иссиққона куриб, чорва моллари олиб берилган, сарторшлик, пазандлик учун зарур воситалар билан таъминланган ҳам анчагина.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳолининг етарли даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги белгиланган берган вазифалари айна мудоао бўлди, — деди конференцияда сўзга чиққан бирлашма кенгаши раиси Нусратилла Пардаев. — Чунки хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Касба уюшмалари Федера-

цияси раиси бошчилигида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Жиззах вилоятидаги ўрганишлари жараёнида онир турмуш шароитида яшаётган қўллаб хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маиший шароитларини яхшилаш доимий эътиборда. Қайд этилган муаммоларнинг 23,7 фоизи уй-жой билан таъминлаш ва мавжуд уй-жойини таъмирлаш, 7,7 фоизи саломатлигини тиклаш, 45,5 фоизи моддий ёрдамга муҳтожлиги, 8,5 фоизи ишга жойлашиш, 1,6 фоизи тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратиш, 1,2 фоизи коммунал соҳа, шунингдек, 15 фоиздан ортиги оиладаги муҳитнинг нотинчлиги, таълим ва бошқа йўналишларга оид экани аниқланди. Айни пайтда ушбу мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган.

Ҳисобот даврида касба уюшмаларининг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тизимдаги бошланғич ташкилотлар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ҳар икки йилда ўтказиш, тармоқ ташкилотларида танлов ғолиби бўлган бошланғич касба уюшма кўмиталари етакчиларини рағбатлантириш тадбирлари ташкил этилди.

Вилоятдаги корхона ва ташкилотларда «Касба уюшма бурчаги» ташкил этилиб, уларга фаолиятга оид зарур кўргазмалар воситалар, муҳим ҳуқуқий-меъриёрий ҳужжатлар қўйилган. Бундан ташқари, соҳа ишини янада ривожлантириш мақсадида турли кўрик-танловлар, фестиваллар, спорт мусобақаларининг ўтказилаётгани ҳам яхши натижа бермоқда.

2017-2019 йиллар июнь-июль ойларида Жиззах вилоятидаги тармоқ касба уюшмалари тизимидаги бошланғич касба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг шаҳар, туман ва вилоят босқичлари якунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Аҳамиятлиси шундаки, 2017 йилда ўтказилган кўрик-танловларда тармоқлар тизимидаги бошланғич ташкилотларнинг 675 таси қатнашган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1080 тага етди.

Туризм масаласини жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига кириштириш орқали 2015-2019 йилларда 18514 нафар ходимнинг Тошкент, Самарқанд, Бу-

хоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга жамоавий саёҳати ташкил этилди. Шу давр ичида вилоятдаги Саъд ибн Абу Ваққос, Новқа ота, Хўжаи Сероб, Хўжамушкент ота, Хожабобон ота ва Хонбанди каби зиёратгоҳларга 28 минг 380 нафар ишчи-ходим ва улар оила аъзоларининг саёҳатга чиқиши таъминланди.

Ҳисобот даврида 2015 йилга нисбатан саёҳатчилар сони тарихий шаҳарларга 3586 нафарга, вилоят ҳудудидаги диққатга сазовор қадамжоларга эса 7084 нафарга ошгани қайд этилди.

Ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш масаласи ҳам касба уюшмалари эътиборидан четда эмас. Охириги беш йилда вилоятда соғломлаштирилган болалар сони 5209 тага ошди. 2015 йилда оромгоҳларда 10 минг 70 нафар бола ҳордиқ чиқарган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 15 минг 279 нафарни ташкил қилди.

Конференцияда таъкидланишича, ўтган беш йилда иш жараёнида оқибати ўлим билан тугаган 34 та бахтсиз ҳодиса юз бергани етмаганидек, ташкилот ва муассаса раҳбарлари эътиборсизлиги сабабли уларга тўланадиган тоvon пуллари тўлаб берилмаган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган инсоннинг яқинлари охири-оқибат касба уюшмаларига мурожаат қилганга ундирилган (меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларига меҳнатда майибланиш, касб касаллигига чалиниш, боқувчисини йўқотиш, етказилган зарар ва тоvon) пуллари миқдори миллиардлаб сўмни ташкил этмоқда.

Ҳисобот-сайлов конференциясида жамоа шартномаларини сифатли экспертизадан ўтказиш, уларни тавсиявий макетларга мослаштириш, бажарилишини таҳлил қилиб бориш ва йил якунлари бўйича бажарилишини муҳокама қилиш масалаларига ҳам етарли эътибор қаратилмаётгани танқид қилинди.

Агросаноат мажмуи, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида норасмий бандлик муаммоси ҳануз тўлиқ бартараф этилмагани ҳам айтиб ўтилди.

Конференцияда делегатлар беш йиллик фаолиятнинг натижалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Конференцияда бирлашма кенгаши раислигига Нусрат Пардаев сайланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



ФАОЛИЯТГА

Наманган вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 2015 йил август ойдан 2020 йил августгача бўлган даврдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Бугунги кунда вилоятда 60 та тармоқ касба уюшмалари шаҳар ва туман кенгашлари, 2544 та бошланғич касба уюшма ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ўз сафларига 346 минг 550 нафар аъзони бирлаштирган.

Ўтган даврда бирлашма кенгашининг 7 та мажлиси ва 19 та кенгаш раёсат мажлислари ўтказилиб, уларда ишловчиларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган 527 та масала муҳокама этилган.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида, қонун талабларига мос ҳолда ҳал қилиш борасида ҳисобот йилларида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ана шу мақсадда бирлашма тасарруфида «Юридик клиника» фаолияти жорий этилди. Бирлашмага фуқаролардан келиб тушган 1305 та мурожаатнинг 640 таси қаноатлантирилди, 661 таси тушунтириш орқали ҳал этилди, 4 таси тегишлилигига кўра бошқа идорага юборилди.

170 нафар ишчи-ходимнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилди. Иш берувчиларга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 52 та тақдимнома киритилди, шундан 46 таси қаноатлантирилди, 6 таси ижроси таъминланмагани сабабли фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқилиб, ходимлар фойдасига ҳал этилди. Шу билан бирга, фуқаролик ишлари бўйича

судларда 149 нафар фуқаронинг манфаатлари ҳимоя қилинди. Шундан 136 нафар ходим билан меҳнат шартномалари ғайриқонуний равишда бекор қилинганлик ҳолатлари аниқланиб, улар ишга тикланди ва 281,9 миллион сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Ҳисоботда тизимда йўлга қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, нодавлат сектори корхона ва ташкилотларида бошланғич ташкилотларни тузиш, уларда ишловчиларни касба уюшмалари хизматида олиш орқали ҳар томонлама муҳофаза қилишга эришиш борасидаги ишлар қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Жорий йил биринчи ярим йиллик якунларига кўра, вилоят бўйича 9655 та нодавлат корхона ва ташкилотда касба уюшмалари тузилгани учун уларда ишловчи 84654 нафар ишчи-хизматчи касба уюшма хизматидан фойдалана олмаган.

Вилоятдаги касба уюшма ташкилотлари ўтган ҳисобот йилларида меҳнаткашлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш ҳамда меҳнат муҳофазаси борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ту-



КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

нафардан зиёд ходимлар иштирок этган.

Ходимларнинг соғлом турмуш тарзи асосида меҳнат қилишни таъминлаш мақсадада гимнастика машғулоти йўлга қўйилиб, 780 минг нафардан зиёд аъзолар гимнастика билан шуғулланмоқда.

мавқени ошириш, моддий техника базасини кучайтириш, кадрлар билан ишлаш тизимини яхшилаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда бирлашма масъул ходимлари ҳар йили 350 дан зиёд ташкилотларга Ни-

оллари иштирок этди.

Ўтган давр мобайнида нодавлат сектори тизимидagi корхона, ташкилот ва муассасаларда касба уюшмаларининг янги ташкилотларини тузиш, ходимларни касба уюшмасига жалб қилиш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Музокарада сўзга чиққан делегатлар ҳисобот даврида фаолиятнинг барча йўналишларида кенг қармовли ишлар амалга оширилганини эътироф қилишиб, таклифларини ҳам илгари суришди.

– Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор ис-

Хоразм вилояти

рўйхатдан ўтган бўлса, шу ерда ташкил қилинаётгани аъзолар манфаатларини тўлиқ ифода-лашга ҳалақит қилади, деб хи-



ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН

«Касаба-тур» веломарфони, «Спорт саломатлик гарови» спартакиадаси, «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларида қарийб 100 минг нафарга яқин касба уюшма аъзоларининг иштироки таъминланди.

Касаба уюшмалари ташаббуси билан вилоятдаги диққатга сазовор қадамжолар ҳамда юртимиздаги тарихий шаҳарларга 80 минг нафарга яқин аъзоларнинг саёҳати, шунингдек, 17677 нафар ишчи-ҳодимнинг музей ва кўрғазмаларга, 9654 нафар ходимнинг театр ва концертларга ташрифи уюштирилди.

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Инсон соғлом бўлса, ишида унум, қалбида қувонч бўлади. Шу боис касба уюшмалари меҳнатқашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кейинги йилларда касба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторийларда дам олдириш амалиёти шаклланди. Ҳисобот даврида маблағлари ҳисобидан 4862 нафар ходим касба уюшмалари тизимидagi санаторийларга йўланмалар билан таъминланди. Уларга 4417 донга йўланма имтиёзи, 445 йўланма бепул ажратилди.

Ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам эътиборда. Ҳисобот даврида 61195 нафар ўқувчи ёшлар вилоят ҳудудидаги оромгоҳларда, 2000 дан ортиғи вилоятдан ташқаридagi оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши кўрсатган бегараз ёрдам эвазига 2017 йилда 200 ўринга мўлжалланган «Жайхун қуёши» болалар оромгоҳининг замонавий дизайн асосида бунёд этилгани эса Оролбўйи болалари учун ҳақиқий тўхта бўлади.

ТАШКИЛИЙ ИШЛАР МУҲИМ

Ташкилий жиҳатдан мустаҳкам ташкилотга жамиятда нуфузга эга бўлади, аъзолар ишончини оқлайди, ўз зиммасидаги вазифаларни талаб даражасида амалга оширишга қодир бўлади. Шу боис ҳам бирлашма кенгаши бошланғич ташкилотларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш,

Фарҳод Эрмонов,
Хоразм вилояти ҳокими:

«БИЗ КАСАБА УЮШМАЛАРИДАН КЎП НАРСА КУТАМИЗ»



Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда касба уюшмаларининг ҳиссаси катталигини алоҳида эътироф этиш лозим. Халқимиз кейинги пайтларда касба уюшмасини нафақат ишловчилар манфаатларини ифодаловчи, балки аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда фаол иштирок этаётган ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан жамоатчилик назоратини бажараётган энг нуфузли ташкилот сифатида ҳам танимоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашда касба уюшма ташкилотлари етакчи ўринни эгаллади. Ушбу қарор асосида вилоятимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини уй-жой билан таъминлаш, уй-жойини таъмирлаш, маиший техника воситалари олиб бериш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун 13 миллиард 526 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлангани эътиборга молик.

Бу йил касба уюшмалари билан ҳамкорликда хотин-қизлар муаммолари ўрганилди ва шу асосда тегишли дастур, йўл харитаси имзоланди. Айни чоғда йўл харитаси асосида хотин-қизларнинг ҳаёт сифати-

тини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда биз касба уюшмаларидан кўп мақсадли ҳал қилишда янада фаол иштирок этишни сўрашга ҳақлимиз.

Айталик, касба уюшмалари нафақат иш ҳақларининг ўз вақтида берилиши, белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслигини, бунда бозор талабларига риоя қилиниши юзасидан ҳам ўз таклифларини бериб бориши мақсадга мувофиқ.

Бугун аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд қатламни уй-жой билан таъминлаш масаласи кун тартибидagi энг долзарб масалалардан бири саналади. Кейинги уч йилда бу борада вилоятимизда ҳам кенг қўламли ишлар бажарилди. Бироқ ҳали ҳам уй-жойга муҳтож, харид қилишга қурби етмайдиган юртдошларимиз оз эмас. Касба уюшмалари ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда иш берувчилар олдида ходимларни уй-жой билан таъминлаш, уй-жой харид қилиш учун бошланғич тўловларни тўлаб бериш каби масалаларни дангал қўйса, аҳолининг уй-жойга эга бўлиш имконияти янада кенгаярди.

Бизни қийнаб келаётган муаммолардан яна бири норасмий бандлик масаласидир. Бунинг оқибатида норасмий банд юртдошларимизнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмапти, улар пенсия ёшига етганда тегишли пенсияларини олиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда. Нима учун айрим тадбиркорлар ходимларга қонуний асосда ҳақ тўлашга рози эмас? Қандай чораларни кўрсак, муаммо ҳал бўлади? Балки қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш керакдир? Касба уюшмалари тадбиркорлар, кластер эгалари билан музокаралар ўтказган ҳолда муаммони ҳал қилиш юзасидан аниқ таклифлар берса, масала ижобий ечим топиши мумкин.

Яқин фурсатларда пахта йиғим-терими бошланади. Бу жараёнда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, теримчиларга зарур шартлар яратилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ҳам касба уюшмаларининг кўмагига таянамиз.

2015-2019 йиллар мобайнида 4956 та корхона ва ташкилот касба уюшмалари хизмати олинди, 30043 нафар ходим касба уюшмасига жалб қилинди. 2020 йил январь ҳолатига бошланғич ташкилотлар сони 1964 та, касба уюшма аъзоларининг сони 262113 нафарни ташкил қилди.

лохотлар амалга оширилмоқда. Кластерлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бундан мамнунмиз, албатта, – деди Агротуризм ва маданий мерос қўриққончилиги ходимлари касба уюшмаси Янгибозор тумани кенгаши раиси Рейимбой Шерзонов. – Бироқ кластер касба уюшма кўмитаси таъсисчи корхона қайси ҳудудда

соблайман. Айталик, пойтахтимиз ёки бошқа шаҳарда жойлашган бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси янги-бозорлик касба уюшма аъзоларининг оилавий аҳоли, иқтисодий-ижтимоий муаммолари ҳақида қаердан хабардор бўлиши мумкин? Бу эса аъзоларнинг муаммоси эътибордан четда қолишига, ўз-ўзидан касба уюшмасидан норози бўлишига олиб келади. Шу боис, кластер қайси ҳудудда фаолият юритса, бошланғич ташкилот шу ерда ташкил қилиниши ва бевосита шу ҳудуд тармоқ касба уюшмаси тасарруфига киритилиши лозим.

– Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, ходимларни ҳар йили меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларини синовдан ўтказиш ишлари ташкил этилиши керак. Бироқ ҳудудларда шу мақсадда иш берувчи вакилларни ўқитиб, сертификат берадиган ўқув муассасасининг ўзи йўқ. Шу боис ўқув муассасаларининг вилоятларда сайёр ўқув курсларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, – деди Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Гулжоним Аминова.

Бугунги кунда касба уюшмалари мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти сифатида ислохотларда фаол иштирок этмоқда. Конференцияда амалга оширилаётган ишларни янада кенг тарғиб қилиш, умуман, меҳнат муносабатлари юзасидан кенг жамоатчилик, иш берувчиларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўз телевидениесига эга бўлиши кераклиги таклифи билдирилди.

Конференция кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси лавозимига Эргаш Юсупов номзоди тавсия қилинди. Делегатлар номзодни қўллаб-қувватлади. Бирлашма кенгаши, тафтиш комиссияси янги таркиби, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қурултойига делегатлар, Федерация кенгаши аъзолари таркибига ҳам вакиллар сайланди.

Муҳаббат Тўрабоева,
«ISHONCH»



